Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 24 (20.891) 1991 йил 2 февраль, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1991 йил 31 январь куни КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилди:
1. Ҳозирги пайт тўғрисида.

2. КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида.

3. КПССнинг меъёрий-усулий ҳужжатлари ҳамда партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида.

4. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида.

5. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди.

Пленум ишида КПССнинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари таркибига кирмаган республика, ўлка, вилоят, округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва Назорат комиссияларининг раислари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, партия рўзномалари ва ойномаларининг муҳаррирлари, СССР Қуролли Кучларининг, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко ахборот берди.

Мунозарада Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Приморье ўлкаси Партизанск шаҳридаги «Центральная» шахтасининг электр слесари П. А. Жиганов, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Белоруссия Компартияси Витебск вилоят комитетининг биринчи котиби В. В. Григорьев, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Литва ССР Вильнюс радио ўлчов асбоблари илмий тадқиқот институти парткомининг котиби В. А. Антонов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Ўзбекистон ССРдаги Ленин номли жамоа хўжалиги раиси Р. Отажонов, КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Е. Н. Махов, Пермь вилоят партия комитетининг биринчи котиби Е. Н. Чернишов, Ленинград вилоят партия комитетининг котиби Е. М. Калинина, Қозоғистон ССР «Карагандауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Октябрь инқилоби 50 йиллиги» шахтаси парткомининг котиби П. М. Мельников, Доғистон республика партия комитетининг биринчи котиби М. Г. Алиев, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Олейник, Москва шаҳар, Москва темир йўли 3-Москва Локомотив депосининг машинисти Ю. В. Лавренов, «Учительская газета»нинг бош муҳаррири Г. Н. Селезнев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. Ф. Римашевский, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Красноярск ўлка партия комитетининг биринчи котиби Г. П. Казьмин, ҳарбий кенгаш аъзоси — қуруқликдаги қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. А. Моисеев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних, С. Оржоникидзе номли Нижний Новгород авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси В. С. Куликов, Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. С. Мальковский, Эстония ССР, Таллинн давлат консерваторияси кафедрасининг мудири К. И. Комиссаров сўзга чиқдилар.

Пленум ҳужжатларини тайёрлайдиган таҳрир комиссияларн тузилди.

Биринчи масала юзасидан таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов сўзга чиқди.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилганидан кейин, бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг «Ҳозирги пайт ва партиянинг вазифалари тўғрисида» сиёсий баёнот қабул қилинди, бу ҳужжат матбуотда эълон қилинади.

«КПСС Уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» ҳамда «КПССнинг меъёрий-усулий ҳужжатлари ҳамда партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин маъруза қилди. Пленум КПСС Марказий Комитети ишлар мудири Н. Е. Кручинанинг «Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги маърузасини тинглади.

Таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Манаенков сўзга чиқди.

Пленум «КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида», «Партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида», «Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги қарорларни муҳокама қилиб, қабул этди; КПССдаги сайлов ва сайланадиган органлар таркибидан чақириб олиш тартиби тўғрисидаги; КПСС аъзоларини ҳисобга олиш ва партия ҳисоби ҳақидаги; КПСС ташкилотларида ва сайланадиган органларида иш юритиш ҳақидаги; партия аъзолик бадалларини ҳисобга олиш ва КПСС ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид; СССР Қуролли Кучларидаги КПСС ташкилотларининг иши ҳақидаги йўриқномаларни; шунингдек, КПСС бошланғич партия ташкилоти котибининг мақоми ҳақидаги; «КПСС ветерани» тўғрисидаги; КПССда мунозара ва референдумлар ўтказиш ҳақидаги низомларни тасдиқлади.

Пленум КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари таркибидан комиссия тузиб, уни Эстония партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш учун юборди, бунда республикадаги коммунистларнинг кучларини жипслаштириш, фуқароларнинг тинчлигини ва ижтимоий иноқликни сақлашни кўзда тутиш ҳақида қарор қабул қилди.

Пленум А. И. Гельман партия билан алоқасини узди, деб уни КПСС Марказий Комитети таркибидан чиқарди, Г. Г. Гумбаридзенинг Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўхтаганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Марказий Комитет аъзоси, академик С. С. Шаталиннинг матбуотдаги сўнгги чиқишларига қўшилмаслигини изҳор этади ва уларда билдирилган фикрларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида ва айниқса унинг Марказий Комитетида аъзолик билан сиғишмайди, деб ҳисоблайди.

Пленум КПСС Марказий назорат комиссиясининг президиумига ўртоқ С. С. Шаталин соғайганидан кейин унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми муҳокамасига таклиф киритишни топширади.

Ўртоқ Г. И. Янаев СССР вице-президенти этиб сайланганлиги ва бутун куч-ғайратини шу лавозимда ишлашга сарфлаши лозимлиги муносабати билан у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби вазифаларидан озод этилди.

Пленум Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи котиби ўртоқ Л. Э. Аннусни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади.

Ўртоқ П. К. Лучинский КПСС Марказий Комитетининг котиби этиб сайланди.

Шу билан КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми ўз ишини тамомлади.

Дилфуза ўрта мактабни битиргач, ўтган йилдан бошлаб Чортоқ районидаги Москва колхози сут-товар фермасида соғувчилик қила бошлади. Унинг қарамоғида 25 бош сигир бор. Албатта, у мактабда ўқиб юрган кезлари фермага бориб, онасига сигирлар парваришида ёрдам бериб юрарди. Мана энди у мустақил соғувчи бўлди. Ўтган йили қарамоғидаги ҳар бош сигирдан 2200 ўрнига 2400 килограммдан сут соғиб олди.

Суратда: илғор соғувчи Дилфуза Ҳамроева.

П. АКБАРОВ олган сурат.

● Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенг ҳуқуқли суверен республикалар федерацияси тарзида сақлаб қолиш зарурми? Буни халқнинг ўзи ҳал қилади.

● Шу йил 17 мартда ўтказиладиган СССР референдуми (умумхалқ овоз бериш)да юқоридаги саволга жавоб бериш керак.

● Хўш, республикамизда мазкур муҳим сиёсий маъракага қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

(Бу ҳақда рўзноманинг 2-саҳифасида СССР референдуми республика марказий комиссияси раиси Қ. Аҳмедов мақоласида ҳикоя қилинади).

БОҒБОНЛАР ЎҚУВИ

Деҳқончилик-саноат комплекси бошқаруви республика олий мактабининг Нукус шаҳрида жойлашган Қорақалпоғистон филиалида боғбонларнинг қишки ўқуви бошланди.

Улар уч ой давомида ўз малакаларини оширадилар. Амалий билимларини назарий билимлар билан мустаҳкамлайдилар.

Келгусида боғбонлик касбини ўрганишни хохловчиларни ўқитишни ташкил этиш режалаштириляпти. Бунда «Коммунизм» давлат хўжалиги, Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги мутахассислари, Нукус давлат дорилфунуни муаллимлари ёрдам берадилар.

Республикада боғ ва токзорлар, полиз экинлари учун ажратилаётган майдонлар ҳамма жойда кенгайтирилмоқда. «Боғ» дастурини амалга ошириш тармоқни малакали ходимлар билан таъминлаш заруратини келтириб чиқарди, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири.

Долзарб мавзуда суҳбат

ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ— АСОСИЙ МЕЗОН

Милиция ва СССР Қуролли Кучлари бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликдаги ҳаракати тўғрисида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Фармони 1 февралдан кучга кирди. Мухбиримиз Республика ички ишлар вазири ўринбосари Ғофур Раҳимович РАҲИМОВга мурожаат қилиб, ушбу Фармон Ўзбекистон шароитида қандай амал қилинаётганлиги билан қизиқди.

— Аввало, мен ички ишлар ходими сифатида Президент Фармонини маъқуллайман. Милиция шахсий состави сони вазиятни барқарорлаштириш, фуқаролар ҳаёти ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли эмас. Айниқса, бугунги мураккаб вазиятда очиғини айтганда осойишталикни сақлашга кучимиз етмаяпти. Халқ дружиналари ҳам ички ишлар ходимларига илгаригидек яхши ёрдам бермаяпти. Бунинг сабаби бор, албатта. Уларнинг меҳнат отпускаларига уч кун қўшиб берилларди. Ҳозир эса бу имтиёз ҳукумат қарори билан бекор қилинди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, 1990 йилда жамоат жойларидаги жиноятлар 1989 йилга нисбатан бироз камайди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб республикамизда жамоат жойларида 15 минг 342 жиноят содир бўлди. Шундан 8 минг 400 таси Тошкент шаҳрида юз берди. Шу жумладан, 189 та жиноят фуқаролар жонига қасд қилиш, 500 дан ортиқ тан жароҳати, 5000 таси фуқаролар шахсий мулкини ўғирлашдан иборатдир. Босқинчилик ва талончилик қилиш йўли билан содир этилганлари 2 ярим мингта, 2 мингга яқинини эса безорилик ташкил этади. Шундан 927 таси Тошкент шаҳрида рўй берди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, жиноятчиликка қарши янада фаолроқ кураш олиб бориш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Шунинг учун ҳарбий қисмлар бошлиқлари билан келишилган ҳолда, баъзан жамоат жойларида вазият ниҳоятда оғирлашган ва милиция ходимларининг кучлари етмай қолган пайтда ҳарбийларнинг ёрдамга келишлари мақсадга мувофиқдир. Бу ҳамкорлик эса кўпгина жиноятларнинг бир қадар олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Аскарларга жамоат тартибини сақлаш қондалари ва вазифаларини тушунтириш милиция органлари олдидаги муҳим вазифадир.

Кейинчалик жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда иштирок этган аскарларда шу соҳага қизиқиш иштиёқи пайдо бўлиши турган гап. Улар хизмат муддатини ўтаб бўлгач, Ички ишлар вазирлиги олий ва ўрта махсус милиция мактабларига йўлланма олишлари ёки ички ишлар органларида ишга қолиб, республикамизда осойишталикни сақлаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва вазиятни барқарорлаштиришдек хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

ТЕГИРМОНЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Сурхондарё вилоятидаги кўпгина хўжаликлар тегирмон қурмоқда. 30 дан ортиқ тегирмон қайтадан тикланди ва қурилди, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасидан хабар қилишларича, келгусида ҳар бир катта қишлоқда тегирмон бўлади. Бу барча турдаги хўжаликларда озиқ-овқат эҳтиёжлари учун дон экинлари майдони кенгайтирилганлиги билан боғлиқ. Вилоят жамоа ва давлат хўжаликларида ҳозирги мавсумда буғдой экиш учун ўтган йилга нисбатан 1,5 баравардан кўпроқ ер ажратилди. Якка хўжаликларнинг эгалари олган ерларининг анчагина қисмини буғдой экишга ажратдилар.

Қўқтов яйловларида хўжалигимизнинг 54 мингдан зиёд қўй-эчкиси, шу жумладан, 33 мингдан зиёд совлиқ қишламоқда.

Ширин Аҳмедов, Исабой Араббоев, Даврон Баҳронов сингари чўпонлар ўз отарларидаги қўйларни қишловдан беталофат олиб чиқиш учун ҳаракат қилишмоқда. Барча озуқани куздаёқ қишлов жойларига ташиб қўйганимиз чўпонлар оғирини енгил қиляпти. Етарли емга эга бўлмасак ҳам борларидан фойдаланиш эвазига подани соғлом сақлаш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Хўжалигимизда чўпон-чўлиқларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Фақат 1989 йил иш натижаларн бўйича олинган даромаддан деярли 800 минг сўмини қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ажратдик. Ўтган йили чўпонлар учун тўрт уй, шунча кошар, янги ошхона ва магазин, иккита фельдшерлик-акушерлик пункти, 4-фермада эса клуб ва бошқа мадаций-маиший бинолар қуриб битказилди.

Оёқоғитмадаги қўрғонимизда 58 онланинг яхши турмуш кечириши учун шароит яратилган. Бу ерда мактаб-интернат, магазин, ҳаммом ва бошқа зарур хизмат тармоқлари мавжуд. Шунингдек, отарларнинг бир қисми электрлаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси чўпоннинг оғир меҳнатини маълум даражада енгиллаштиришга, чўпон чироғи чароғон бўлишига хизмат қилади.

Хўжалик чорвадорлари бундай ғамхўрликка амалий иш билан жавоб беришмоқда. Ўтган йил дуруст якунланди. Давлатга жун топшириш бўйича йиллик режа 123,5 фоизга, гўшт топшириш—101,5 фоизга, қорақўл тери топшириш 119,5 фоизга бажарилди. Ҳар юз бош совлиқдан белгиланган 95 ўрнига 107 бошдан қўзи олинди.

Бу йилдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича тартибига кўчмоқдамиз. Иш ҳақи фонди 300 минг сўмга кўпаймоқда. Чўпонларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 150 сўмдан 250 сўмга ошиши мўлжалланмоқда. Қорақўл тери ва жун харид нархининг ошиши моддий манфаатдорликни оширяпти.

Бироқ оғир табиий шароитда меҳнат қилаётган чўпон учун бу ҳали камлик қилади. Қорақўлчиликни ҳам бозор иқтисодиёти асосига кўчириш пайти келмоқда. Ҳозирча биз ўзимиз етиштираётган маҳсулотнинг хўжайини эмасмиз. Бутун ҳосил давлат харид нархларида қабул қилинмоқда. Ҳатто режада белгиланганидан ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг ҳам нархи ўзгаргани йўқ. Чўпон бундан манфаатдор эмас. Худди пахтачиликда бўлгани каби қорақўлчиликка ҳам шартнома мажбуриятидан зиёд маҳсулотга келишилган нарх қўйишга ижозат берилиши зарур. Бу тармоқда маҳсулдорлик даражасини анча оширишга хизмат қиладиган омилдир.

Районимизда янги йил ишлаб чиқариш режаси тузилаётган пайтда биз етиштирган маҳсулотнинг етмиш фоизини шартнома мажбуриятига киритиш, қолган 30 фоизини эса ўз ихтиёримизда қолдиришни таклиф қилдик. Лекин бу таклиф қоғозда қолиб кетди.

Меҳнат жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Янги йил арафасида бу масалани очиқ партия йиғилишида муҳокама қилдик. 3-ферма мудири Ғани Қораев, бош зоотехник Бобомурод Нуров, хом ашё реализатори Шоди Ўринов сингари мутахассислар яхши таклифларни ўртага қўйишди. Шу асосда бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдик.

Яқинда хўжалик ҳисобчиси Мурод Ёдгоровни Тошкентда очилган ўн ойлик менежерлар мактабига ўқишга юбордик.

Хўжалик марказий қўрғонида тикувчилик цехини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда ўн еттита тикувчилик дастгоҳи харид қилинди. Келгусида мўйначилик цехини очиш ниятимиз бор. Етиштираётган хом ашёмиздан ўзимиз маҳсулот ишлаб чиқаришимиз учун бозор иқтисодиёти яна қўшимча имкониятлар яратиб бериши шубҳасиздир. Булардан мақсад яйлов ташвишлари билан йиғаётган чўпон меҳнати самарасини янада баракали қилишдир.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ЧЎПОН ЧИРОҒИ

А. НАСИМОВ,
Ғиждувон районидаги «Кўкча» давлат наслчилик хўжалиги директори, вилоят партия қўмитаси аъзоси.

ЧЕТ ЭЛНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Фарғона ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқарила бошланган янги модда кукунсовунларнинг хусусиятларини яхшилайди. Бу ерда кир ювиш воситалари учун асос бўлиб хизмат қиладиган «Хлопокс-1» моддасининг дастлабки 50 тоннаси тайёрланди. Бу препарат чет элдан сотиб олинадиган қиммат баҳо хом ашё — анион модда билан рақобатлашиши мумкин.

«Хлопокс-1» тайёрлаш технологиясини Тошкентдаги пахта целлюлозаси илмий-тадқиқот илмгоҳининг мутахассислари ёғ-мой комбинатининг новаторлари билан биргаликда ишлаб чиқдилар. Препарат Олмалиқ рўзғор кимёси заводида синовдан муваффақиятли ўтди.

Янги модда корхонага чет элдан сотиб олинадиганига нисбатан анча арзонга тушишидан ташқари, бир қанча афзалликларга ҳам эга. Чунончи, масалан чет элдан сотиб олинган препарат асосида тайёрланган «Прогресс», «Біо», «Ивушка» каби кир ювиш воситалари фақат ип газлама ва сунъий толали матоларни ювишлиги камида 60-80 даража бўлган сувда ювилганда яхши тозалайди. «Хлопокс-1» қўшилган «Лола» пастаси эса ҳар қандай матони илиқ сувда ювганда ҳам тозалайверади. Бунинг устига янги маҳсулот аллергиянн қўзғамайди.

— Бу моддани саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун катта харажатлар керак эмас, — деди Фарғона ёғ-мой комбинатининг директори Р. Аҳмедов. — Бунинг учун совун тайёрлаш цехига қўшимча ишлар ва насослар ўрнатиш кифоя, биз ўзимиз шундай қиляпмиз. Бу йил биз бир неча юз тонна препарат ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга жўнатиш ниятидамиз.

(ЎзТАГ мухбири).

17 март—СССР референдуми куни

ХАЛҚНИНГ ЎЗИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

МАЪЛУМКИ, СССР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган Съезди умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) тўғрисида Қонун қабул қилган эди. Бу билан СССР Конституциясида ва иттифоқдош республикалар Конституцияларида белгиланган давлат ҳаётига оид муҳим масалалар юзасидан қарорлар ва қонунлар қабул қилиш учун умумхалқ овози бериши жараёнларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий негиз яратилган эди.

Мамлакатимиздаги ҳозирги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Қайта қуриш жараёнида турмуш тарзимизга айланган демократиялаштириш, ошкораликни ва фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш шароитларида кўпгина партиялар ва ҳаракатлар сиёсий майдонга чиқди. Уларнинг кўпи ўзларини КПССга, Совет давлатига қарама-қарши қўймоқдалар. Социалистик йўлимизга очиқдан-очиқ ҳужум қилиб, маънавий қадриятларимизни кескин танқид қилмоқдалар.

Бугунги кунда сиёсий баҳс-мунозаралар марказида Иттифоқ шартномаси ва энг аввало, Иттифоқни мустақил, тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тарзида сақлаб қолиш керакми ёки йўқми, деган ғоя пайдо бўлган. Биз биринчи саволга рози бўлишимиз ёки айрим сиёсатдоларнинг қудратли давлатимиз ўрнида мустақил, аммо кучсизланган ўн бешта ёки йигирмата давлат қарор топиши керак, деган таклифларига қўшилишимиз лозим. Бундай иккинчи таклиф қабул қилинганда мустақил давлатлар ўзларидаги мавжуд иқтисодий тангликдан чиқа олмайдилар. Ўз хавфсизликларини пишиқ-пухта таъминлай олмайдилар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари сақланиб қолишига кафолат бера олмайдилар.

Буларнинг ҳаммаси совет кишиларини ниҳоятда ташвишга солмоқда. Мамлакатимизнинг барча бурчакларидан Совет давлатининг узил-кесил парчаланиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилувчи минглаб ва ўн минглаб хатлар келмоқда.

ССР Иттифоқи тақдирини, унинг келажагини фақат халқ ҳал этиши мумкинлиги аён. Шу боис СССР Олий Кенгаши халқ депутатлари IV Съезди қарорларини бажариш учун СССРнинг барча ҳудудида шу йил 17 мартида референдум ўтказишга қарор қилди. Унда ССР Иттифоқини тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тарзида сақлаб қолиш масаласи қўйилган.

Яширин овоз бериш учун бюллетенга ушбу масалани қуйидаги шаклда киритишга қарор қилинди: «Сиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси тарзида сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми? Бу федерацияда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқлари ва эркинлиги тўла-тўкис таъминланади».

Республикамизда референдумга фаол тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу йил 26 январда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Унда тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тарзида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида референдум ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. СССР Олий Кенгашининг ушбу масалага доир қарорини қўллаб-қувватлашга аҳд қилинди.

СССР референдумини ўтказиш республика марказий комиссияси ваколатларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Референдумга тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий тадбирларни ўтказиш календарь режаси тасдиқланди. Ўзбекистон ССР тегишли министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижро этувчи ва идора қилувчи органларига зарур топшириқлар берилди.

Шу йил 26 январда СССР референдуми республика марказий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Овоз беришни ўтказиш учун округлар сарҳадларини аниқлаш бўйича берилган ҳуқуққа биноан, республикада референдум ўтказиладиган 226 та округ тузилди. Бу округлар қишлоқ районларининг, Тошкент шаҳри районларининг, вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг чегараларида жойлашади, деб белгилаб қўйилди. «Умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) тўғрисида»ги СССР Қонуни матнини алоҳида китобча шаклида нашр этишга қарор қилинди.

ШУНИ алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, референдумга тайёргарлик бўйича тадбирлар умумхалқ овоз бериши тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун талабларига мувофиқ равишда олиб бориляпти. Республикамизда 2 февралгача округ комиссиялари тузилиб бўлинади. 11 февралгача эса участка комиссияларини шакллантириш тугалланади.

Референдумни ўтказиш комиссияларига умумхалқ овоз бериши тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддасига биноан кенг ваколатлар берилади. СССР референдуми республика марказий комиссияси Қонун талаблари бажарилишини назорат қилади. Референдум ўтказувчи қўйи комиссиялар фаолиятини йўналтириб туради. Округ комиссияларидан олинган протоколлар асосида республика бўйича умуман берилган овозлар ҳисоб-китоби натижаларини аниқлайди. Референдум ҳақидаги Қонунга риоя этишни таъминлаш бўйича бошқа юмушларни бажаради.

Референдум округ комиссиялари участка комиссиялари ишини ташкил қилади. Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатини тўғри тузишни назорат қилади. Округда берилган овозларнинг ҳисоб-китоби натижаларини аниқлайди. Қонунга риоя этишни таъминлаш бўйича бошқа ишларни адо этади.

Ҳар бир округда референдум округ комиссияси 11—17 кишидан иборат қилиб тузилади. Округ комиссиялари таркибига одамлар меҳнат жамоалари ёки уларнинг кенгашлари, республика, вилоят, район, шаҳар жамоат ташкилотларининг органлари, истиқомат жойлари бўйича фуқаролар йиғилишлари ҳамда ҳарбий қисмлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг мажлислари томонидан кўрсатилади. Комиссиялар таркибига вакиллар кўрсатувчи меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларини аниқлаш учун тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ёки уларнинг раёсатлари зарурат туғилган пайтда округ ҳудудида жойлашган меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари мухтор вакилларининг кенгашларини ўтказиши мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раёсатларига СССР фуқаролари тенг ҳуқуқлилиги конституцион принципларига амал қилиб, СССР референдуми тегишли комиссияларини овоз берувчиларнинг миллий вакиллигини ҳисобга олиб шакллантиришни таъминлаш тавсия этилди.

Референдум ўтказиш округ комиссиялари таркиби Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ёки уларнинг раёсатлари томонидан тасдиқланади.

Округ комиссияларининг раиси, раис ўринбосари ва котиби комиссиянинг биринчи мажлисида комиссия таркиби тасдиқланганидан кейин сайланади. Комиссия таркиби тасдиқланганлиги ҳақидаги ва комиссиянинг унинг раҳбарлари сайланганлиги тўғрисидаги қарори фуқаролар диққат-эътиборига ҳавола этилади.

Референдум тўғрисидаги Қонун талабларига биноан шу йилнинг 11 февралига қадар тегишли район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан бошқа), шаҳарлардаги район Кенгашлари ёки уларнинг раёсатлари участка комиссиялари таркибини тасдиқлашлари лозим.

Одатга кўра, сайлов участкалари камида 20 ва 3 мингдан ортиқ бўлмаган фуқаролар яшайдиган тегишли ҳудудда ташкил қилинади. Участка комиссияларининг миқдор таркиби 5 кишидан 19 кишигача бўлиши мумкин.

Сайлов участкаларини қандай номерлаш масаласи халқ депутатлари район, шаҳар Кенгашлари раёсатлари томонидан белгиланади. Бунда тегишли референдум округ комиссиялари билан келишиб олинади.

Участка комиссияларининг раиси, раис ўринбосари ва котиби комиссиянинг биринчи мажлисида комиссия таркиби тасдиқлангандан сўнг сайланади.

Участка комиссияларининг таркиби тасдиқланганлиги ва комиссиянинг раҳбарлари сайланганлиги тўғрисидаги қарорлар фуқароларга хабар қилинади.

Референдум участка комиссиялари «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунида белгиланган тартибда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатини тузади. Шу билан боғлиқ масалаларни ҳал этади. Фуқароларга овоз бериш куни ва жойини маълум қилади. Бинони овоз бериш учун тайёрлашни таъминлайди. Участкаларда овоз бериш кунида овоз беришни ташкил қилади. Овоз бериш натижаларини референдум округ комиссиясига маълум қилади.

Референдум комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзолари комиссия қарорига биноан, СССР референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилинадилар. Бунда референдумни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобига ўртача иш ҳақларини оладилар.

Референдум комиссияларининг қарорлари, агар улар комиссия ваколати доирасида қабул қилинган бўлса, барча давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Бошқача айтганда, улар Қонунга биноан яширин овоз беришни таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга мажбурдирлар.

Референдумга тайёргарлик кўришда участка комиссиялари катта роль ўйнашлари керак. Улар зиммасига СССР референдумига иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг рўйхатини тузиш юклатилган. Рўйхатлар ҳар бир участка бўйича референдум участка комиссияси томонидан тузилади. Бунда шаҳар, шаҳарлардаги районлар ижроия комитетлари, халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Кенгашлари берган маълумотлар асос қилиб олинади.

СССР референдумида иштирок этиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатига рўйхат тузилаётган пайтда овоз бериш учун шу участка ҳудудида яшовчи, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар киритилади.

Ҳарбий қисмларда турувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва бошқа шахслар рўйхати, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган районларда истиқомат қилишса, ҳарбий қисмлар командирлари маълумотлари асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар эса умумий асосларда турар жойлар бўйича рўйхатга киритиладилар.

СССР референдумида суд томонидан лаёқатсиз деб топилган руҳий хаста фуқаролар, суднинг қарорига биноан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек, жиноят-процессуал қонунларида белгиланган тартибда эҳтиёт чораси кўрилиб, ҳибсда сақланаётган шахслар қатнашмайдилар.

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаро фақат битта рўйхатга киритилади. Рўйхат овоз беришга 15 кун қолганда, яъни 1991 йил 2 мартда ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилади. Участка комиссияси овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида овоз беришга камида 15 кун қолганда фуқароларни хабардор қилади. Овоз бериш биносида референдумга қўйилган масала матни осиб қўйилиши даркор.

Агар фуқаро ҳамма танишиши учун фуқаролар рўйхати осиб қўйилган кун билан овоз бериш кунигача бўлган муддат ичида, яъни 2 мартдан 16 мартгача бўлган пайтда истиқомат жойини ўзгартирса, участка комиссияси унинг илтимосига биноан СССР референдуми кунида овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани тақдим этади. Бу нарса Қонунда кўзда тутилган. Фуқаро юқоридаги гувоҳнома асосида овоз бериш куни унинг янги жойидаги сайлов участкасида қўшимча рўйхатга киритилади.

Референдумда овоз бериш участкалар бўйича ўтказилади. Бюллетенлар паспорт ёки овоз берувчи кишининг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгандан сўнг берилади. Бунда янгилик шундан иборатки, ҳар бир фуқаро бюллетень олаётганида рўйхатнинг махсус графасига имзо чекиши керак.

Фуқаро овоз бериш чоғида бюллетенда кўрсатилган «ҳа» ёки «қарши» деган жавоблардан бирини ўчириши лозим бўлади. Мабодо овоз берувчи «ҳа» ёки «қарши» сўзларини ўчирса ёки иккита сўзни ҳам ўчирмаган бўлса, бундай бюллетен ҳақиқий эмас деб топилади.

ОКРУГ ва участка комиссиялари референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида барча тадбирлар референдум ҳақидаги СССР Қонуни ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун талабларига қатъий мос келишига алоҳида эътибор беришлари керак.

СССР референдуми республика марказий комиссияси округ комиссиялари юборган протоколлар асосида Ўзбекистон ССР бўйича референдумда берилган овозлар натижасини аниқлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, овоз бериш натижалари кўп жиҳатдан тарғибот-ташвиқот ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Бунда Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқ ва уюшқоқлик билан иш олиб борилиши зарур.

Республикамизнинг ҳар бир аҳолиси референдумга қўйилаётган масаланинг моҳиятини, унинг аҳамиятини тўла-тўкис англаб олиши, Ўзбекистон халқлари манфаатларига жавоб берувчи қарорни пишиқ-пухта ўйлаб, қабул қилишга тайёр туриши керак. Референдумга тайёргарлик фикрлар хилма-хиллиги кенгаяётган марказдан қочирма кайфиятлар жонланаётган шарт-шароитларда ўтишини ҳаммавақт назарда тутиш даркор. Тушунтириш ишларига халқ депутатларини кенг жалб этиш айни муддаодир. Уларнинг ҳар бири ўз округида шу масала юзасидан сайловчилар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиши, фуқароларга ўз позицияларини аниқ белгилаб олишларида ёрдам беришлари, совет республикалари бирлигига қарши чиқаётган кучларнинг хатти-ҳаракатига зарба беришлари мумкин. Тангликни бартараф этиш ҳамда ривожланган демократик жамиятни қуриш масаласини фақат куч-ғайратларни бирлаштирибгина ҳал эта оламиз.

СССРнинг барча ҳудудида шу йил 17 мартда ўтказиладиган тенг ҳуқуқли суверен республикалар федерацияси тарзида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш бўйича СССР референдуми ушбу муҳим масала юзасидан республикамиз аҳолисининг қарашларини ифода этишига шубҳа йўқ. Референдумда овоз беришда қатнашадиган ҳар бир киши ҳозир қудратли буюк давлатимизнинг истиқболи Иттифоқ сақланиб қоладими ёки йўқми, деган саволга унинг беradиган жавобига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикр-ўйлар билан яшамоғи лозим.

Қ. АҲМЕДОВ,
СССР референдуми республика марказий комиссиясининг раиси.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳли ўтган йили хом ашё ва материаллар танқислигига қарамай 235 миллион сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 11 миллион сўм соф фойда кўрди. Бундай муваффақиятга корхона ишчилари меҳнатнинг янги шаклларини барча цех ва бўлинмаларда жорий этганликлари, ишни ўнглаш йўлида изланганликлари туфайли эришдилар.

Бирлашма жамоаси меҳнатнинг самарали усулларини тажрибада синаб шундай хулосага келишди: илгари тузилган ширкатлар ўрнига ижарачи ва кичик корхоналар барпо этиш фойдалироқ экан. Бу ерда ҳозир 15 дан зиёд ижарачи ва кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Радуга», «Металлург», «Виктория», «Машъал» сингари корхоналар сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, истеъмолчилар ишончини оқлашяпти.

СУРАТДА: ёш ишчи Миржалил Мирсоқиев ана шундай ижарачи корхоналардан бирида ишлайди.

А. ГОРОКРИК
(ЎзТАГ), олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

Учқудуқ районидаги шимолий руда бошқармасининг усталари ёдгорлик буюмлари, гулдонлар, шамдонлар, жўн тақинчоқлар тайёрлай бошладилар. Бунинг учун рангли ва ярим қимматбаҳо тошлар — феруза, родонит, ақиқ, халцедон, опал, тоғ биллури ва бошқалардан фойдаланиляпти. Бу маҳсулотлар жуда харидоргир.

* * *

Андижон кооператорлари ўз шаҳарларига моддий ёрдам беришга қарор қилдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Тез ёрдам» станцияси учун табобат ускуналари сотиб олиш мақсадида маблағ тўпланди. Шаҳарни ободонлаштириш фондига ва хайрия мақсадларига анчагина пул ўтказилмоқда.

* * *

Чет эл фирмалари Навоий электр-кимё заводига ҳар бир тонна техник которан учун 8 минг доллар тўлашни таклиф қилдилар. Бу ўз вақтида қилинган таклиф эди. Корхонада бу гербицидни ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бошқа йўналишда иш олиб боришни ўйлашаётган, чунки бу маҳсулотга талаб мамлакатда кескин пасайиб кетган эди. Ғарб давлатларидаги ишбилармонлар заводнинг бошқа бир маҳсулоти — ортоаминофенолга ҳам катта қизиқиш билдиришди.

* * *

Термиздаги ногиронлар ширкати аъзолари соатларни тузатиш, машинкада ёзиш, чизмачилик ишлари, кўрпа ва кўрпачалар тикиш, сўзаналар тайёрлаш каби фаолият турлари билан шуғулланишмоқда. Бу ширкат ногиронлар уюшмасининг ташаббуси билан ташкил этилган. Янги жамоат бирлашмасига қарийб 1,5 минг киши аъзо бўлди. Ногирон болаларни парвариш қилаётган оналар ҳам уйда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ширкатга шаҳардаги турли ташкилотлар ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллий саноат комбинати ширкат аъзоларининг ишлаши учун ўз биноларини берди. (ЎзТАГ).

• *Нуқтаи назар*

ЎЗ УЙИНГ— ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Кўпчиликка маълум: қишлоқда уй-жой қуришнинг ўзи бўлмайди. Аввало, уй қуриш учун ер олиш керак. Кейин эса тегишли маблағ йиғиб, қурилиш материаллари топиш зарур. Буларнинг ҳаммасини уддалагач, уйни кимга ва қандай қилиб қурдириш ҳақида бош қотиришга тўғри келади. Хуллас, қишлоқ меҳнаткаши 3-4 хонали уйни тиклаб олгунча анча вақт оромини йўқотади.

Бироқ шунга қарамасдан ўтган йили бу борада ўзгаришлар йили бўлди. Муҳтож кишиларни ер участкалари билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу тариқа ғоят ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммо — уй-жой масаласини ҳал этиш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди. Бу эса ўз навбатида қишлоқда якка тартибда уй-жой қурилишининг илдам ривожланишига кучли туртки берди. 1990 йили 1 миллион 400 минг кишига 165,2 минг гектар томорқа ер участкаси ажратилди. Жумҳурият қишлоқларида йил давомида қарийб 4 миллион квадрат метрга яқин уй-жой барпо этилди. Тўғрисини айтганда, илгари Ўзбекистонда якка тартибда ҳеч қачон бунчалик кўп уй-жой қурилмаган эди.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, ҳозир жумҳуриятимизда уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида юрган кишилар ҳам жуда кўп. Жумладан, яқин орада яна 470 минг оила уй-жой қуришга аҳд қилиб турибди.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш лозим: ўтган давр мобайнида фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки мамлакатимизда ҳам уй-жой қуриш асосан ё давлат маблағлари ҳисобига пудратчилар ёрдамида ёки уй-жой қуриш ширкатлари томонидан (у ҳам пудрат усулида) амалга оширилди. Якка тартибда уй қуриш-чи? Ахир, жумҳуриятимизда бу усулда, ҳашар йўли билан иморат тиклаш илгаритдан сақланиб қолганку, — деган савол туғилиши табиий.

Тўғри, якка тартибда ёки ҳашар йўли билан (аслида иккаласининг фарқи йўқ) уй-жой қуриш ота-боболаримиздан қолган мерос. Бироқ биз турғунлик деб ҳисоблаган йилларда якка тартибда уй-жой қуриш учун деярли шароит йўқ эди. Шунга қарамасдан қишлоқ меҳнаткашлари ўз имкониятлари даражасида бу ишни амалга оширишди. Ёш оилалар учун ҳашар йўли билан уй-жойлар қурилди. Иқтисодиёти бой бўлган хўжаликлар ҳам қўлни қовуштириб ўтиришмади. Бинокорлик ташкилотлари билан келишиб, қишлоқда уй-жой қуришни озми-кўпми йўлга қўйишди.

Қайта қуриш йилларида жумҳурият ҳукумати бу ишга алоҳида эътиборни қаратди. 1988 йилнинг 28 июлида Ўзбекистон ССРда якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ вилоят ижроия қўмиталари қошида якка тартибда ва ширкат йўли билан уй-жой қуришни мувофиқлаштирувчи хўжалик ҳисобидаги бошқармалар тузилди.

Бугунги кунда якка тартибда уй-жой қуришга бир назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳада анчагина муаммолар борлигига дуч келамиз. Масалан, баъзи вилоятларда бу усул билан иморат қуриш нима учун ривожланмаяпти? Бу ерда объектив сабаблар ҳам бор. Буларнинг барчасида қишлоқ меҳнаткашларини айблаб бўлмайди. Биринчидан, якка тартибда уй қуриш кўпчиликка қимматга тушади. Агар тахминий ҳисоблайдиган бўлсак, бир оила уй қуриш учун камида 10 минг сўм харажат қилади. Иккинчидан, бинокорлик материалларининг нархи қимматлашиб кетди. Бунинг устига бундай материаллар ғоят тақчил бўлиб қолди. Агар давлат ёки колхоз қурган уй ҳар бир меҳнаткаш фуқарога текинга берилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, нега кишиларимиз ўзларига уй қуришни лозим топмаётганликларини тушуниш қийин эмас. Ростини айтганда, асосий гап бунда эмас. Энг муҳими, қишлоқ меҳнаткашлари учун ғамхўрлик қилиш, унга шароит яратиб беришда.

Тўғриси, ҳанузгача баъзи вилоят ва бир қанча ноҳия Кенгашлари бу ижтимоий-иқтисодий вазифанинг аҳамиятини етарли даражада тушуниб олганларича йўқ. Айниқса, қишлоқ аҳолисини бинокорлик материаллари билан таъминлаш масаласи кўпгина вилоятларда ўлда-жўлда бўлиб қолди. Баъзи ноҳиялардаги матлубот кооперацияси дўконлари тақчил қурилиш материалларини ихтиёрий тарзда сотишни афзал кўрдилар. Айни чоғда бундай материалларни етказиб бериш иши билан давлат транспорти хўжаликлари қизиқмадилар. Натижада оддий меҳнаткаш учун хом ашё келтириш уч-тўрт баравар қимматга тушди.

Ҳозиргача якка тартибда уй қурувчи учун пишиқ ғишт, шифер, ёғоч материаллари топиш қийин муаммо бўлиб турибди. Жойлардаги маҳаллий партия, совет органлари эса бу тўғрида ғамхўрлик қилишни баъзан ўзларига эп кўрмаяптилар. Шунинг натижасида ўтган йили аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш 50 фоизга ҳам етмади.

Айни пайтда бу муаммони маҳаллий резерв ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга интилаётган ноҳиялар, хўжаликлар борлиги кишини қувонтиради. Жумладан, Хоразм, Андижон вилоятининг хўжаликларида худди шу тарзда иш тутиляпти. Улар ишбилармонлик хислатларини намоён қилиб, РСФСРнинг ўйрим вилоятлари билан ёғоч-тахта, қурилиш материаллари келтириш ҳақида шартномалар тузишди.

Менимча, хўжалик юритишдаги бундай тажрибаларни тезроқ ўрганиб, барча жойларда кенг қўлланилса айни муддао бўлур эди. Бунинг учун фақат дўппини олиб қўйиб ўйлаш, фикрлаб иш юритиш керак, холос.

Мазкур тадбирларни йўлга қўйишда маҳаллий ҳокимият, айниқса вилоят ва ноҳия Кенгашлари жонбозлик кўрсатишлари лозим. Ушбу бошқарув органларига тегишли яна бир гап. Қишлоқ аҳли якка тартибда уй қуриб олиши учун маблағ билан таъминлаш ишини янада яхшилаш зарур. Тўғри, 1989 йилда аҳолига шу мақсадда 135,3 миллион сўм банк қарзлари берилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич уч баравар оширилди. Лекин жойларда умуман қарз беришдан бош тортиш ёки белгиланганидан камроқ даражада қарз бериш ҳоллари учрамоқда. Бунинг устига берилган қарз эвазига олинадиган товонни оддий қишлоқ меҳнаткаши ҳамёни кўтармайди. Демак, банк қарзлари бериш масаласини халқ манфаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозимга ўхшайди.

Яна бир гап. Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, саноат ва қурилиш корхоналарининг якка тартибдаги қурилишга оталиғи тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бундан ташқари, қурилиш ишига тегишли вазирликлар ва ташкилотларнинг куч-ғайратларини бу усулда уй қуришга кўмаклашишга қаратиш лозим.

Халқимизда «Уз уйинг-ўлан тўшагинг» деган ғап бор. Шу боис ҳам ҳар бир киши, ҳар бир оила ўзи учун қадрдон макон тиклашга ҳаракат қилади. Бу — табиий ҳол, эскидан одат. Шундай экан, бизнингча, эндиликда бу муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифага панжа орасидан қараб бўлмайди. Бу соҳадаги муаммоларни ҳеч кечиктирмасдан ҳал этиш зарур.

Қисқача айтганда, бўлажак янги уй эгаси иморат тиклашда вужудга келадиган кўпдан-кўп муаммолар билан яккама-якка қолмаслиги керак. Унга ғамхўрлик қилиш, етарлича шароит яратиб бериш маҳаллий партия, совет органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Ана шундагина жумҳуриятимизда кўплаб оилаларнинг уй-жой шароити яхшиланади, турмуш фаровонлиги ортади.

Асриддин БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мухбири.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ХУСУСИДА

● Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги СССРнинг янги Қонунига мувофиқ жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатга олиш ва Уставда белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатиш вазифаси тегишли Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги маҳаллий органларига юклатилган.

Шу муносабат билан кўплаб фуқаролар Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига ва унинг жойлардаги бошқармаларига қайси бирлашмалар устави рўйхатга олинади, қачон, қаерда, қайси тартибда, деган саволлар билан мурожаат қилмоқдалар.

Аввало, шуни таъкидлаш зарурки, амалга кирган янги Қонунга асосан жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш мақсадида уюшган бирлашмалардир. Улар қаторига сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ветеранлар, ногиронлар, ёшлар ва ўсмирлар бирлашмалари, илмий-техникавий, маданий-оқартув, спорт-бадантарбия ва соғлиқни сақлаш бўйича бирлашмалар, ижодий уюшмалар, фондлар, марказлар, ҳамюртлар ташкилотлари ва бошқа уюшмалар киради.

Қонунга мувофиқ турли ширкатлар (кооперативлар), асосий фаолияти фойда олиш билан боғлиқ бўлган ташкилотлар ҳамда диний ташкилотлар Адлия вазирлиги томонидан ва унинг жойлардаги бирлашмалари томонидан Устави рўйхатга олинадиган бирлашмалар қаторига кирмайди.

Янги Қонунга асосан Иттифоқ миқёсида ёки кўпчилик республикалар миқёсида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмалари Устави, халқаро бирлашмаларнинг уставлари СССР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Республикамиз миқёсида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмалари, икки ва ундан ортиқ республика миқёсида фаолият кўрсатувчи, лекин раҳбарияти Ўзбекистон худудида жойлашган жамоат бирлашмалари уставлари Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Раҳбарияти республикамиз ҳудудида жойлашган халқаро жамоат ташкилотларининг Устави ҳам республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Фаолият доираси бир областни, район, шаҳарни, қишлоқни ёки икки ва ундан ортиқ район, шаҳар, посёлка, қишлоқни ўз ичига оладиган жамоат ташкилотларининг уставлари халқ депутатлари тегишли область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Ҳозирги кунда жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатга олиш тартиблари, Уставга риоя қилинишини назорат қилиш қоидалари ишлаб чиқилмоқда. Яқин кунларда бу тартиб ва қоидалар Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланади ва матбуотда эълон қилинади.

Амалдаги янги Қонунга мувофиқ жамоат бирлашмаси Уставини тасдиқлаган ташкилий йиғилиш (съезд, конференция)дан кейин бир ой ичида нотариал тартибда расмийлаштирилган Уставининг, йиғилиш қарорининг нусхаларидан икки нусхани, Қонунда кўрсатилган бошқа ҳужжатлар билан бирга Адлия вазирлигига ёки унинг тегишли маҳаллий бошқармасига ўз Уставини рўйхатга олишни сўраган аризаси билан бирга топшириши шарт.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни икки ой давомида чуқур ўрганиб чиқади ва Уставни рўйхатга олиш ёки олмаслик ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда ариза берувчиларга хабар қилади.

Агар жамоат бирлашмасининг Устави рўйхатга олинган бўлса, Устав рўйхатга олинганлиги тўғрисида белгиланган формада гувоҳнома берилади. Рўйхатга олинган Уставга кейинчалик ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилган бўлса, улар ҳам Уставни рўйхатга олиш тартибида рўйхатдан ўтказилиши зарур.

Жамоат бирлашмаси Уставини рўйхатга олиш учун олинадиган ҳақнинг миқдори Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамоат бирлашмалари Уставини рўйхатга олиримасин, деган қарор қабул қилинса, бу қарор устидан жамоат ташкилоти республика Олий судига шикоят қилишга ҳақли.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида кўрсатилган тартибда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу фаолият натижасида олинадиган фойда бирлашманинг Уставида кўрсатилган тадбирларга ҳаражат қилинади, холос. Фойдани бирлашма аъзолари ўртасида тақсимлаш мумкин эмас.

Жамоат бирлашмалари ўз мулкига эга бўладилар. Уларнинг тасарруфида биноларнинг, уй-жой фонди, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, маданий-оқартув ва соғлиқни сақлашга мўлжалланган пул маблағи, акциялар, бошқа қимматбаҳо ҳужжатлар ҳамда жиҳозлар бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари ихтиёрида бўлган пул маблағларининг тўпланиши ва уни сарфланиши устидан молия идоралари назорат олиб боради.

Жамоат ташкилоти ўз Уставига риоя этишини, вазифаси ва фаолияти Уставга амал қилган ҳолда олиб борилаётганлигини шу бирлашма Уставини рўйхатга олган Адлия вазирлиги ёки областлар ҳамда Тошкент шаҳри адлия бошқармалари назорат қилиб боради.

Назорат давомида камчиликлар топилса ёки жамоат бирлашмаси Уставга риоя этмаётганлиги, унда кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланаётганлиги аниқланса ёки ўз фаолияти билан амалдаги қонунларга зид иш олиб бораётган бўлса, бу жамоат бирлашмаси ёзма тарзда огоҳлантирилади. Агар бу хил камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар такрорланса бундай бирлашмани тарқатиб юбориш ҳақидаги масалани кўриш учун судга мурожаат қилинади.

М. ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон ССР адлия вазирининг ўринбосари.

Мерос

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Ўзбек адабиётида байналмилалчилик ғоялари ўз тарихига эга бўлса-да, 1917 йил февраль ва Октябрь инқилоблари ғалабаси таъсири остида катта ижтимоий-сиёсий куч касб эта бошлади. Бу даврда ёзилган баъзи асарларда чор мустамлакачилиги ва хонлик, амирлик системасининг емирилиб, демократик эркинлик шабадалари (масалан, Мирмуҳсин Шермуҳамедов: «Икки муҳим тарихий воқеа», Ҳамза: «Уён, Ватан», 1917) қутланса, баъзиларида Туркистонни мустақил миллий федерация асосида бошқариш, шу федерация доирасида бошқа миллатларнинг ҳам эрк ва ҳуқуқи, тенглигини таъминлаш, шунингдек, Марказий Россия билан муносабатларнинг ҳам эркин байналмилалчилик асосига қурилиши ҳақида фикрлар кўтарила бошлайди (М. Беҳбудий, «Баёни ҳақиқат», 1917). Бошқа бирларида эса 1917 йил февраль инқилобидан кейин умумтуркистон ва Россия мусулмонларининг Тошкент ҳамда Москва қурултойларида Туркистонга мустақил Федерация бериш, уни Россия таркибидан тамомила ажралиб чиқиши ҳақидаги баъзи фикрлар тариҳан етилмаган ва ўлканинг хонлар даврига қайтариш хавфини туғдирадиган қалтис фикрлар тарзида танқид ҳам қилинди. (Мирмуҳсин Шермуҳамедов: «Туркистоннинг усул идораси ҳақинда», 1917).

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда ёзилган баъзи асарларда эса Совет ҳукуматининг янгича ленинча Шарқ сиёсати ўтмишдаги чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатидан тамомила фарқли ўлароқ Туркистон ва умуман, мазлум шарқ элларига нисбатан чинакам самимий дўстлик ва байналмилалчилик муносабатлари руҳида эканлиги кўрсатилди. (Фитрат — «Шарқ сиёсати», Чўлпон — «Шарқ поезди келди», 1920, «Шарқ уйғонди» 1923 ва бошқалар).

Октябрь инқилоби арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда ўзбек адабиётида Туркистоннинг мустақил Федератив давлат тузуми ва унинг бошқа миллатлар ҳамда Марказий Россия давлати билан бўладиган байналмилалчилик муносабатларига доир бундай муҳим фикр ва мулоҳазалар талайгина. Уларни ўрганиш фақат ўша даврда ўлкада олиб борилган миллий мустақиллик ва байналмилалчилик муаммоларини ўрганиш жиҳатидангина эмас, бугунги қайта қуриш ва демократия шароитида жумҳуриятимиз мустақиллиги (федерацияси), унинг Марказий ва Россия Федератив давлати ҳамда бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар билан бўладиган янгича байналмилалчилик муносабатларимизни белгилаш ва истиқболини аниқлаб олиш нуқтаи назаридан ҳам муайян аҳамиятга эгадир.

Шерали ТУРДИЕВ,
ЎзССЖ ФА Адабиётшунослик институтининг катта илмий ходими.

БАЁНИ ҲАҚИҚАТ

Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардир[1], Жиҳод-жаҳд[2] ва жиҳодани шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозирги бизни шаҳд ва жиҳодимиз илм ила фикр, газет ва басират[3] ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз мусулмонлар хусусан Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоқ-қа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимизда мунга монийдирки, Туркистон яҳудийларини 1300 саналик ҳоли бунга шоҳиддир. Биз истаймизки, бутун Россия мусулмонлари Мухторият (Федерация) усули юзасидан тириклик қилсинлар. Руссия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳид жўғрофий ва мамлакатларни ҳудуд тарбияси бўйинча айрим бўлакларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз ҳуррият ва одатларига мувофиқ... идора қилиниб ва бутун Руссия мусулмонлари учун Руссия пойтахтига бир «Мусулмон марказий идора» вужудга келиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлба-қўл ушлашиб, дунё ва тараққий майдонига ҳаракат ва бирга жавло этулсин. Мана шул Руссиядан ажралмаган ҳолда мухториятли маишатни вужудга келтирмоқ учун биз Руссия мусулмонларига, алал-хусус биз Туркистон мусулмонларига лозимки, аввало қадим ва жадид низо лафзисини қўйиб ўзаро иттифоқ истасак. Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий, ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига руссияни бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни мажлис муборовотимиз (парламентаризм) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига... ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар. Туркистон яҳудийлари ва бошқа мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон... қонунлар тузилсун... агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатнмизни... иттифоқ этиб бу кундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни ривожи учун хизмат этсак. Агарда биз мухториятни ривожини хоҳласак ва русларга ҳуррият ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда... аскарларимиз бўлсун... ул... миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдир. Агарда ҳаммамиз иттифоқ этиб, «Шўрои ислом» жамиятини ўзимиз учун сиёсий ва мўътабар бир жамият қарор этуб барча шаҳарларда шўъбаларини очиб, қадим ва жадидимиз бирлашуб ишласак, мухториятли ҳуррият ва... ноил ўлурмиз. Вале, ҳозирги Туркистон аҳволига қараганда яна биз мусулмонлар русларнинг фуқароси ва райияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва ризоага қолурмиз. Колония (мустамлакот) қоидаси ила бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб, фаний ила иш қилсинлар. Ман ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, оҳиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муллоларимизга ҳам арз қилурмизким, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан миллатни маҳрум эттурмасунлар. Ёшлар истайдурларки, миллатга ва халқ оммага хизмат этсалар, Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Олдимизда иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак. Вале, бизга на ҳуррият қолур, на да мухториятберилур. Аз-баски, бу неъматлар ҳар бир халқни ҳозирлиғига қараб берилур. Тўғриси, ҳар миллатни ўзини мужоҳит ва мужоҳидаси ила бу неъматларга мойил бўлур. Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Бошқа миллатлар иттифоқ ила ишлаганда биз бир биримиз ила душманликда турсак вой бизнинг ҳолимизга»...

Муфти Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.
Самарқанд, «Улуғ Туркистон» газетаси, 1917 йил, 12 июнь, 3-бет.

1. Жиҳод (а) — урушмоқ, жанг қилмоқ
2. Жаҳд (а) — ҳаракат, тиришмоқ
3. Басират (а) — зийраклик, кўрувчанлик, зеҳн.

БИРЛАШМОҚ УЧУН

Маним кўзимга Шарқни бирлаштирувчи бир куч бор эса ул Русия кенгашлар ҳукуматидур.

Русия кенгашлар ҳукумати, Оврупо жаҳонгирлари билан курашмак йўлинда... ўз бошини қўйгондур. Русия кенгашлар ҳукуматининг шиори «енгиш ё ўлум»дир.

Шарқни бирлаштурмак учун мана шундайин ҳиммат, мана шундайин ўктамлик керакдур.

Русия кенгашлар ҳукуматининг қалоғуси бўлган ўртоқ Ленин буюк кишидур. Шарқ масаласини бот фурсатда яхшиғина онглади. Шарқни уйғотмоқ ва шарқни бирлашдурмак учун тириша бошлади. Шарқни уйғонурға, бирлашурға ундади. Шарқ доҳи ўртоқ Ленининнинг бу ундашини жавобсиз қўймади. Ҳиндистондан, Туркиядан, Арабистондан, Хитойдан, Эрондан — Москвада вакиллар тўпландилар. «Шарқни қутқарув» иттифоқи тузулди. Ўртоқ Ленин Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Хитой улуслари билан яқиндан иш кўрмак тилаги билан — «Шарқни қутқарув» иттифоқининг бир шўъбасини Туркистонга очдурмоқчи бўлуб ўртоқ Трояновскийни Тошкентга юборди. Бу ёмон бир фикр эмас эди. Лекин бир оз юзакилиги, нуқсони бор эди. Туркистонга бир ерда туриб Афғонистон ва Ҳиндистон ва Эрон билан иш кўрмак учун юборилган тўда орасинда Масковда тўпланган мусулмон илмий кучлардан юбормади. Туркистонда эса Шарқ масаласи билан ўғрашатурғон буюк илмий кучлар топилмас эди ниятини тополмади. Шунинг учун бу кунгача ўртоқ Трояновскийнинг шарқ тўғрисинда — кўзга кўринурлик бир иши кўринмади. Масков йўли очилгач, бу тўғрида иш кўрилмакни ўтинамиз. Шарқни бирлаштирмак учун, шарқлиларнинг ишончини олмоқ, шарқларга ўзимизни тонитмоқ керак эди. Шарқни ўзимизга ишондурмак учун коммунизм асосларини куч билан шарқни бўйнуға қўймоқ эмас; шарқнинг доҳи назариётиға, шарқнинг доҳи сезгуларига эътибор этмоқ, риоят қилмоқ керак эди. Ўртоқ Ленин буларни бутунлай англади. Бир идораи мутлақ билан идора этилган Афғонистон томонидан узотилғон дўстлик қўлини ўпуб қабул этди. Туркистон ҳукуматига ҳам туркистонлиларнинг руҳий ҳолларига риоят этмак. Туркистонлиларга сонларига кўра ҳуқуқ бермак учун неча телеграмлар берди. Туркистон жумҳуриятининг бошлиқлари бу телеграммаларнинг руҳини англаёлмадилар ё англамаслиқға урундилар. Очиқ айтганда, булар қўрқдилар. «Қандай бўлар? Шарқ билан коммунизм асосларидан ташқарироқ бир йўлда бирлашсак. Шарқ ўзининг Оврўпа жаҳонгирларидан қутқарғач, бизнинг фикримизга келарми? Бизга тирсак кўрсатмасми?» деган хаёллар буларнинг миясига ерлашган эди. Юзаданғина қарорғонда бу фикрлар тўғри касби кўринадур. Бироқ чинлаб қарасак бу фикрларнинг бўш ва гуруҳлигини очиқ кўрармиз. Бу гуруҳ фикрлар шарқни англамасликдан чиқар. Мен бир шарқли бўлғоним учун буюк бир ишонч билан айтамканким: шарқлининг юрагиндаги инсоний сезгилар синган эмас. Шарқли яхшиликни унутмас, Шарқли сиздан бир яхшилик кўргандан кейин сизга тирсак кўрсатмас. Шарқда кўпчилик эътибори билан Оврўпо даражасинда капитал, сармоя, бойлик йўқдур. Шарқ улуслари кўпчилик эътибори билан экинчи ва ишчи эрурлар, шарқ экинчилари орасида рус алфовути ёнглиг ер эгалари топилмайдур. Шунинг учун шарқ уйғонгач, социализм асосларидан қаттиғ суратда бош тортмас. Тўғрисини айтганда, Русия кенгашлар ҳукумати шарқ билан келишмак ва иттифоқ этмакка мажбурдир. Бутун Оврўпа ва Америка жаҳонгирлари ила ёлғуз бошинда кураша олмас, кучга муҳтождур. Русия кенгашлар ҳукуматининг кўмагига етишгуси куч; Оврўпо, Амриқо ишчиларидан, ё шарқдан келгуси эди. Оврўпо ва Амриқо ишчилари бу кунгача турли тебранишлар, ҳаракатлар қилғон бўлсалар ҳам Русия ишчилари каби ишни кесиб ўта олмадилар. Русия кенгашлар ҳукуматига кўзга кўрунурлик бир кўмаклари бўлмайди. Қолди шарқнинг кўмаги. Шарқ ўз жавобини берди, бериб турадир. Лекин шарқнинг тебранишларини бирлаштурмакни белгили бир йўлга қўймоқ керакдур. Бу ҳам Русия кенгашлар ҳукуматининг вазифасидир.



Энди бу масалани шарқлилар нуқтаи назаридан қарайлик: Оврўпо жаҳонгирлари, айниқса, инглизларнинг шарқ ва мусулмон дунёси тўғрисиндаги сиёсатларини юқорида очиқ қилиб ёздуқ. Оврўпо жаҳонгирлари, айниқса инглизлар мусулмон дунёсини ютмоқ учун иш кўриб турадилар.

Мусулмон дунёси инглиз оёқлари остинда йиқилғон, тебраниб, талпиниб турадур. Шу дафа чинлаб тебраниб, ўзини қутқормай бўлиб қолиши аниқдир. Очиқ айтганда, биз мусулмонлар икки йўлдошнинг бирини қабул этарга мажбурмиз: инглиз бўйнитуруғи остига кириб мусулмонликни маҳв этмак, ё бутун кучимиз билан, бутун борлиғимиз билан инглизга қарши қурашмак. Биринчи йўлни, яъни инглиз бўйнитуруғи остига кириб мусулмонликни маҳв этмакни қабул этувчи бир мусулмон виждоннинг борлиғини мен тушуна олмайман. Шунинг учун мен бутун мусулмон дунё учун биргина йўл танийман. Ҳар қандай йўл билан бўлса-бўлсун бор кучимизни тўплаб инглизга қарши турмоқ. Юрагинда озгина мусулмонлик сезгуси бўлғон ҳарким бу кун бошқа ишларни ташлаб, инглизга қарши юрмоққа мажбурдир. Инглизга қарши юруб, енгилмаслик учун инглизнинг душманларига дўст бўлмоқ бизнинг вазифамиздур. Бу кун инглиз ҳукуматининг энг ёмон, энг қўрқунч душмани Русия кенгашлар ҳукуматидур. Инглизга Туркия чиқди, биз тебранмадик, Афғонистон чиқди, ҳаракат қилмадик. Буюк фурсатларни қўлдан бердик, исломнинг йўқолмоғига сабаб бўлдик. Энди Русия шўролар ҳукумати чиқмиш, яна ётиб қолсак, бу фурсатни ҳам қочурсак, бундан сўнгра қутулиш куни бошимизга келмас. Бундан кейин инглиз ва француз қўлинда номусимиз, динимиз, шарафимиз, эътиборимиз, борлиғимиз, отимиз йўқ бўлиб кетар, Каъбамиз инглиз қўлинда қолар, қуръонимиз инглиз қўлинда йиртилар. Мана шулардан қутулмоқ учун Русия Шўролар ҳукумати билан келишмак, бирлашмак керак. Русия Шўролар ҳукумати билан бирлашмак фикри янги бир фикр эмас. Исломнинг буюк кишилари, улуғ сиёсатчилари буни кўпдан тушуниб қўйғонлар. Мусулмон дунёсини Оврўпо жаҳонгирларидан қутқармоқ керак. Лекин мусулмон дунёси бугун билимсиз, онгсиз, ҳунарсиз қолғон; бирлиги йўқ, иш йўлларини билмайдир, уруш яроғи йўқдур, шунинг учун Оврўподаги кучларнинг бириси билан қўшилурдан бошқа чора йўқ. Мана шунинг учун мусулмон мутафаккирлари Оврўпонинг қайси кучи, қайси давлатига қўшилмоқ керак деб кўп тушунганлар. Усмонли муҳаррирларнинг энг қизғин миллатчиларидан Жадод Нурибек асарларининг биринда ёзғон: «Мусулмонлар Оврўпонинг босқуниндан қутулмоқ истасалар, Оврўпо социалистларига қўшилувлари керак, деган. Биз мусулмонлар учун ҳозирги Япония ҳукуматидан ҳам яхшилик келмас. Негаким: ҳозирги Япония ҳукумати ҳам жаҳонгир бир ҳукуматдир. Ў тағи бошқалар каби бизни ютмоқ истар». Ҳозирги маданий ва ҳунарли Оврўпо давлатлари орасинда бизни ютмоқ истамаган биргина давлат бор, у ҳам Русия Шўролар ҳукуматидур.

Русия Шўролар ҳукумати ҳеч бир улуснинг ўлкасини олмоқ истамайдур. Кучсизларнинг мамлакатларини олмоқ истаган бошқа давлатларни ҳам ер юзиндан қўтармакчи эрурлар. Шунинг учун мусулмон дунёсини қутқармоқ истаганларга Русия Шўролар ҳукумати билан бирлашмоқ вожибдур. Русия Шўролар ҳукумати инглиз ва йўлдошларининг бошларига қўрғунч бир балодан бошқа нарса эмасдур. Оврўпонинг тағи кўпчилик қисми бўлғон ишчи ва экинчи ташкилотлари Русия шўролар ҳукуматига тарафдор эрурлар. Мусулмон дунёси Оврўпонинг жаҳонгир давлатларига ёлғиз бошинда қарши чиқса бутун Оврўпо улуслари билан ҳисоблашмоқға мажбур қолар. Русия Шўролар ҳукумати билан биргалашиб чиқанда кўпчилик — бўлғон Оврўпо ишчи ва деҳқонларини ўз тарафинда кўрар.

ФИТРАТ.
«Шарқ сиёсати» (1920 йил) китобидан парча.

БАЙРОҚ ПОЕЗДИ КЕЛДИ

Кўпдан бери тўрт юз бўлиб кутганимиз, унинг тўғрисида кўп нарсалар эшитганимиз «Қизил Шарқ» поезди охири Тошкентга келди.

13 мартда кеч соат 5 ларда мазкур поезд ўзининг муаззаматлик дилбар ва қизиқ кўринуши билан қизил Тошкентнинг улуғ темир йўл остонасига келиб тўхтади. Эски дунёдан мерос бўлиб қолган умумий баробарлик натижаси бўлса керак, унинг келиши тайинлиқ эмас эди. Тасодифан чиқиб қолган кишиларгагина уни кутиб олмоқ мумкин бўлди. Ҳукумат вакиллари эсизким, йўқ эдилар.

Эски дунёнинг даҳшатли поездлари Шарққа, Шарқнинг ижтимоий инқилобий дарвозаси бўлган Туркистонга илгари арақлар, фоҳишалар, қарта қоғозлари ва бошқа шунинг каби исрат нарсалар ташир эдилар; ул нарсаларга айрибош қилиб Туркистон деҳқонининг пешона терлари билан топган бор-йўғини, топган тутганини олиб кетар эдилар.

Янги замоннинг гўзал совғаларидан бири бўлғон бу поезд Туркистонга ва шунинг ила баробар бутун Шарққа илм-маърифат, ёруғлик, ойдинлик, соғлом фикр; яхши тилаклар, иссиқ саломлар олиб келар, уларга айрибош қилиб Туркистон ҳам ўзининг чин тилаклари, орзу ва хоҳишларини бирodарона саломларини юборажакдир.

Меҳнаткаш кун ботиш билан эзилган кун чиқишини иттифоқи, бирлиги шудир. Уни бошловчи, очиқ кўрсатувчи бу «Қизил Шарқ» поездидир.

Бу поезднинг ўзининг улуғ бир босмахонаси, симсиз телеграм станцияси, касалхона, ишхона, қироат — кутубхоналари бордир. Босмахонасида поезддаги «Росто» шўъбаси томонидан ўзбек, татар, қирғиз, туркман, форс ва рус тилларида кунаралаш газеталар чиқиб турадилар. Туркистон халқининг шикваларини эшитмоқ учун



махсус бюроси бордир. Поезд бошида ўртоқ Сафаров турадир. Бу поезднинг бизга келтирган қимматлик ҳадялари, бизнинг муҳтож бўлганимиз шу кишилардирки, булар: Руссия меҳнаткаш газеталарининг бошида турган ўткир қаламли муҳаррирлардан Шоҳид ўртоқ Аҳмадиев, ишлик кишилардан: Маҳмуд Будайли, Ф. Султонбек, Чанишев ва Бурнашев ўртоқлардир.

Шулар билан бирга Туркистондан юборилган вакил Маҳамаджон Бесеров ҳам қайтди...

Туркистондаги асира синғил ва опалар ичида ишламоқ учун бир неча ишлик хотин-қизлар ҳам келганлари, бу ҳадяларнинг энг баҳоли ва қадрлисидир. Ғарб, ғарбнинг озод қитъаси ўзининг ҳақиқий юзини, чин ва соз қалбини очадир.

Поезднинг босмахонаси 4-сонга қадар чиқаран «Қизил Шарқ» газетаси бу кунлари янги имло билан чиқариладир ва бошидагиларнинг янги қизғин ёқловчилари эканларини билдикким, бу биз учун зўр суйинчидир.

Шарққа Ғарбдан ҳақиқий ёрдам келди. Ҳақиқий фикр билдирилди. Энди биз уларнинг ёнига кириб, бутун дунё мазлумларининг саодати учун олишсак бўладилар.

«Қизил Шарқ» поездини олқишлаб қарши оламиз ва ўзи ила баробар кетурган қимматли армуғонларига хуш келибсиз, азиз ўртоқлар! — деймиз.

ЧЎЛПОН.
«Иштирокиюн» газетаси, (1920 йил, 17 март).

«Ҳар биримиз учун муқаддас» мақоласини ўқиб

Кейинги пайтда матбуот саҳифаларида республикамиз тарихини чуқур ва сифатли ўрганиш муаммолари тўғрисида тарихчи олимларимиз, олий ва ўрта махсус илмгоҳлар ўқитувчиларининг мақолалари тез-тез чоп этилмоқда. Ана шундай мақолалардан бири Андижон Давлат педагогика институтининг профессори, тарих фанлари доктори Р. Шамсутдиновнинг мақоласидир. («Совет Ўзбекистони» рўзномаси, 1991 йил 8 январь). Мақолада мавзуга оид бир қатор муҳим масалалар тўғри қўйилган, шу билан бирга муаллифнинг маълум фикрлари билан баҳслашиш мумкин.

Бундан бир ярим йил илгари ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ва ўтган даврдаги бу борадаги натижаларни айтиб ўтиш шарт бўлмаса керак. Сир эмас, турғунлик йилларида Узбекистон халқлари тарихига ҳам муносабат қандай бўлганлиги. Масалан, агар тўртинчи синфда ўқитиладиган «Ўзбекистон тарихи» ҳисобга олинмаса, ҳеч қаерда халқимиз эсга ҳам олинмас эди, бундан дорилфунунлар ва муаллимлик билимгоҳлари мутлақо истисно.

Р. Шамсутдинов СССР Халқ таълими давлат қўмитасининг 1990 йил 10 октябрдаги «Гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабаларни тайёрлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 1990 йил 16 декабрда (аслида 17 декабрь) барча олийгоҳ ректорлари ҳамда ижтимоий фанлар кафедралари мудирларига йўлланган ўз фикрини хати юзасидан ўз фикрини билдирган. Муаллифнинг вазирлик йўриқнома хатида кўрсатилган Ўзбекистон тарихидан 8 та махсус курсни олийгоҳлардаги ижтимоий фан кафедраларида ўқитилишига қарши фикрларига ҳамда «Ўзбекистон халқлари тарихи» курсига ўта кам соат ажратилганлиги ҳақидаги фикрига қўшилиш керак.

Бизнингча, ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг юқоридаги йўриқнома хатида кўрсатилган Ўзбекистон тарихига оид 8 та махсус курснинг мавзулари методологик жиҳатдан жуда тўғри танланмаган, ижтимоий фанлар кафедраларига яқинлаштириб олинган ва «Ўзбекистон халқари тарихи» предметига бевосита кам алоқадордир, яъни бу махсус курслар мавзулари республика тарихининг у ёки бу томонини узуқ-юлуқ акс эттиришга мўлжалланган,

Биз профессор Р. Шамсутдиновнинг ҳар бир олийгоҳда «Ўзбекистон халқлари тарихи»га оид кафедралар очилиши ва кафедралар ўзига хос жумҳуриятимизнинг тарихини ўрганиш марказларига айлантирилиши лозим деган фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедраларини ҳамма олий ва ўрта махсус билим масканларида очиб, шу фанни ўқитишни тез бошламоқ учун биз қуйидаги тадбирларни амалга оширишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шу йил февраль ойи бошларида жумҳуриятимиз тарихини ўқитиш бўйича мутахассислар иштирокида конференция ўтказади. Бу жуда ўринли тадбир. Иккинчидан, профессор Т. Саидқулов раҳбарлигида ўқув қўлланмаси ёзилаётганлигини анча силжиш деб ўйлаймиз. Учинчидан, жумҳурият миқёсида «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўрганиш давлат комиссиясини тузиш керак. Тўртинчидан, ТошДД қошидаги ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича малака ошириш институти сиёсий тарих билан тарих факультети, «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедралари мазкур муаммо бўйича база бўлмоғи керак.

А. ОТАЖОНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Қ. МУМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Ҳар бир талаба ўз она юрти тарихини, маданиятини, урф-одат ва маросимларини, табиатини билиши шарт, шу билан фахрланиши лозим. Ҳозирги пайтда кўп ёшларимизнинг маънавий қашшоқ, театрларга ва бошқа маданий даргоҳларга кам бориши сабаби ҳам ана шундадир. Уларни ота-боболаримиз маданий мероси ва бой тарихимиз руҳида тарбиялаш биз тарбиячиларнинг, олий билимгоҳлар домлаларининг вазифасидир.

Энг аввало, «Ўзбекистон ССР тарихи» эмас, балки «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни то қадим замондан бугунгача бўлган тарихни олий ва ўрта махсус илмгоҳларда, ўрта мактабларда ўқиш ва ўрганишни ҳаёт тақозо қилмоқда. Қайта қуриш, ошкоралик замонида миллий жумҳуриятлар сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритаётган пайтда, шу жумҳуриятларнинг тарихини чуқур илмий ўрганиш ва ўргатиш объектив заруратдир. Бунинг устига СССР тарихи, алоҳида-алоҳида олинган миллий жумҳуриятлар, мухтор жумҳуриятлар, қўйингчи, миллатлар ва элатлар тарихини ёритишда йўл қўйилган хатолар, бирёқламаликлар, «улуғ миллатчилик» кўринишлари ҳаммага аён. Шунинг учун тарихимизнинг «қора доғ»ларини ўчириб, «оқ доғ»ларини батафсил баён қилиш тарихчиларимиз, қолаверса, ижтимоий фан вакиллари олдида турган долзарб масаладир. Бу борада тарихчиларимиз томонидан қайта қуриш бошлангандан буён тарих фанига оид янгича талқинлар, янгича ёндашиқлар, янгича баҳолар кўп айтилди ва айтилмоқда. Бу мулоҳазаларни жамлаш, ҳақиқатга яқинлаштириш мутахассислар, мутасаддиларнинг ташкилотлар олдида турган муҳим вазифадир.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» предметига ажратилган соатлар ҳаммага маълум. Ҳозирги пайтда кўп ёшларимизнинг маънавий қашшоқ, театрларга ва бошқа маданий даргоҳларга кам бориши сабаби ҳам ана шундадир. Уларни ота-боболаримиз маданий мероси ва бой тарихимиз руҳида тарбиялаш биз тарбиячиларнинг, олий билимгоҳлар домлаларининг вазифасидир.

Энг аввало, «Ўзбекистон ССР тарихи» эмас, балки «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни то қадим замондан бугунгача бўлган тарихни олий ва ўрта махсус илмгоҳларда, ўрта мактабларда ўқиш ва ўрганишни ҳаёт тақозо қилмоқда. Қайта қуриш, ошкоралик замонида миллий жумҳуриятлар сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритаётган пайтда, шу жумҳуриятларнинг тарихини чуқур илмий ўрганиш ва ўргатиш объектив заруратдир. Бунинг устига СССР тарихи, алоҳида-алоҳида олинган миллий жумҳуриятлар, мухтор жумҳуриятлар, қўйингчи, миллатлар ва элатлар тарихини ёритишда йўл қўйилган хатолар, бирёқламаликлар, «улуғ миллатчилик» кўринишлари ҳаммага аён. Шунинг учун тарихимизнинг «қора доғ»ларини ўчириб, «оқ доғ»ларини батафсил баён қилиш тарихчиларимиз, қолаверса, ижтимоий фан вакиллари олдида турган долзарб масаладир. Бу борада тарихчиларимиз томонидан қайта қуриш бошлангандан буён тарих фанига оид янгича талқинлар, янгича ёндашиқлар, янгича баҳолар кўп айтилди ва айтилмоқда. Бу мулоҳазаларни жамлаш, ҳақиқатга яқинлаштириш мутахассислар, мутасаддиларнинг ташкилотлар олдида турган муҳим вазифадир.

ХОЛИСОНА ЁНДАШАЙЛИК

Рўзноманинг 1991 йил 8 январь сонидаги профессор Р. Шамсутдиновнинг «Ҳар биримиз учун муқаддас» мақоласини ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги кунги тарихининг мактабларда, олийгоҳларда ўқитилишининг аянчли аҳволи учун ҳаммамиз масъул эканлигимизни яна бир марта эслатиб қўйди. Агар биз жумҳуриятимиз халқлари тарихини чинакамига ўрганишдек хайрли ишга қўл урмоқчи бўлсак, аввало унинг мактабларда ўқитилишини яхшилаш устида бош қотирмоғимиз лозим. Негаки, бугунги мактаб ўқувчиси эртанги олийгоҳ талабаси. Шу боис мен 1991—1992 ўқув йилида ўрта мактабларнинг VIII—IX синфларида «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитиш учун ажратилган 136 соатни етарли эмас деб ҳисоблайман. Зеро, 3000 йиллик тарихни арзимаган 136 соатда баён қилиш ақлга сиғмайди.

Тўғри, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидаги мутасадди ўртоқлар жумҳурият халқлари тарихини ўқитиш учун имконият йўқ деб, баҳона қилишлари мумкин. Лекин холисона ўйлаб кўрилса, дарс соатлари топиш мумкин. Чунончи, ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили 11 йил ўқитилишини яхши биламиз. Ажабланарлиси шундаки, рус тили дарслари учун соатлар етарли бўла туриб, синфлар иккига ажратилиб ўқитилади. Яна қишлоқ рус тили ўқитувчиларига 15 фоиз қўшимча ҳақ ҳам тўланмоқда. Фикримизча, «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитишда ҳам адолатни тиклаш вақти келди.

Ўтмишда ал-Хоразмий, Беруний каби ўнлаб илм соҳибларини етиштирган Хоразмда бугунги кунда якка-ю ягона Давлат педагогика олийгоҳида ўлка тарихини, маданияти ва фанини ўрганиш, унн халққа етказиш учун зарур бўлган мутахассислар етиштирадиган тарих куллиётининг йўқлигини адолатдан, деб бўлмайди. Ҳозирги кунда вилоят мактабларининг айримларида тарих фанини география, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти муаллимлари ўқитиб келмоқда. Хоразм давлат педагогика олийгоҳида шу кунда тарих фани бўйича 2 нафар фан доктори, 10 нафардан ортиқ фан номзоди ва доцентлар мавжудлиги ҳам олийгоҳда тарих куллиётини тиклаш лозимлигини кун тартибига қўймоқда.

Хуллас, «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз, уни давр талаблари асосига қуришимиз лозим. Шундагина биз келажак авлодлар олдидаги бурчимизни уддалаган бўламиз.

О. СУЛТОНОВ,
Хоразм давлат педагогика олийгоҳи сиёсий тарих кафедраси ўқитувчиси.

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ҚАРОРЛАР ҲАММАГА ТЕГИШЛИ»

Ўзбекистон ССР ҳукумати ҳайъатининг Андижонда ўтказган сайёр мажлисида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир масала муҳокама қилинган эди. Одамларни иш билан таъминлаш, аҳолини биринчи галдаги эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш муаммолари республика ҳукуматининг эътиборини тортди ва муҳокама якунлари юзасидан қарор қабул қилинди. Юқоридаги сарлавҳали мақолада ана шу қарорнинг бажарилиши борасида юзага келган камчиликлар кескин танқид қилинганди. Яқинда рўзнома таҳририяти тегишли министрликлардан расмий жавоб олди. Қуйида ана шу жавобларнинг иккитасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ:

— Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 20 ноябрдаги қарорида Андижон вилоятида 1990 йилда қишлоқ жойларини телефонлаштириш, 2300 рақамли АТСни фойдаланишга топшириш кўзда тутилганди.

Вазифани амалга ошириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди: аввало, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Зарур бўлган ускуналар, кабель маҳсулоти ва бошқа моддий ресурслар тайёрланди. Бироқ 1990 йил якунларига кўра, Найман ва Қадим касабаларида фақат 700 рақамли АТС ишга туширилди.

Қувватларни ишга туширишнинг барбод бўлишига асосий сабаб қишлоқ алоқа бўлимлари ускуналарини жойлаштиришга мўлжалланган биноларни топшириш режаси ўз вақтида бажарилмаганлигидир. Масалан, ўтган йили ишга туширилиши лозим бўлган олти бинодан учтаси тўртинчи кварталда топширилди. Икки бинонинг қурилиши 1991 йилга кўчирилди.

Молия вазирлиги алоқа ишлари учун маблағни ўз вақтида ажратмаганлиги ишимизнинг орқага сурилишига олиб келди. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, қарорнинг бажарилиши бу йил ҳам барбод бўлиши мумкин.

Молия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари вилоят ижроия қўмитаси қурилишларни маблағ билан таъминлаш масалаларини яқин кунларда ҳал этмасалар, қишлоқ жойларини телефонлаштириш тўғрисидаги қарор бажарилмай қолиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ, КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ:

**— Андижон вилояти аҳолисини ичимлик сув

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ, «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» РЎЗНОМАЛАРИНИНГ МУҲАРРИРИЯТЛАРИ ЎТКАЗАЁТГАН

«ФОТОКОНКУРС—91»

«ДАВР. ВОҚЕАЛАР. ОДАМЛАР»

МАВЗУИГА БАҒИШЛАНАДИ

Бу ижодий беллашувни ўтказишдан асосий мақсад — республикамиз ва мамлакатимизнинг кўп қиррали ҳаётини, она-Ватанимиз гўзаллигини, қайта қуриш шароитларида кишиларнинг илҳомбахш меҳнатини, инсоннинг ўй-фикрларини, унинг дам олишини, ўқиши ва бўш вақтини қандай ўтказаётганлигини кўрсатишдан иборатдир.

Биз мазкур танловга сурат усталари ва ҳаваскорларни, фотостудиялар жамоаларини, рўзнома ва ойномалар фотомухбирларини таклиф этамиз.

Фотоконкурсга ялтироқ қоғозга туширилган 18х24 сантиметр ўлчовдаги суратлар икки нусхада чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Уларнинг жанрлари хилма-хил, масалан, портретлар, манзаралар, фототабассумлар ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ҳар бир суратнинг орқасига унинг нима деб аталишидан ташқари, сурат олинган вақт ва жой, уларда акс эттирилган шахсларнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, муаллифнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, почта адреси ва телефони кўрсатилиши керак.

Хатжилдларга: «Фотоконкурсга» деб ёзиб қўйишни унутманг.

Энг яхши суратлар «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномаларида эълон қилинади.

Танлов якунлари қуйидаги бешта бўлим бўйича чиқарилади:

— фотопублицистика;
— замондошимиз портрети;
— инсон ва табиат;
— болалар бизнинг келажагимиз;
— спорт.

Ҳар бир бўлим бўйича дипломлар ва учта даражадаги мукофотлар таъсис этилган:

Биринчи мукофот — 200 сўм.
Иккинчи мукофот — 100 сўм.
Учинчи мукофот — 50 сўм.

Суратлар қуйидаги манзилгоҳларга жўнатилиши лозим:

Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, фотосекция бюроси.

Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси 32-уй, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарририяти.

Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй, «Правда Востока» рўзномаси муҳарририяти.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: танловга юборилган суратлар тақриз қилинмайди ва эгаларига қайтариб берилмайди.

Суратларни қабул қилишнинг охирги муддати — 1991 йил 15 декабрь.

Сизларга ижодий муваффақиятлар тилаймиз, қадрли дўстлар!

Генжебой Нурпеисович ТЛЕУБЕРГЕНОВ

Март ойида у 53 ёшга тўларди. Журналист, Ўзбекистон Ахборот Агентлиги Қорақалпоғистон бўлимининг бош муҳаррири Генжебой Нурпеисович Тлеубергенов оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

Г. Н. Тлеубергенов Қорақалпоғистон АССРнинг Тахтакўпир районида деҳқон оиласида туғилди. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгач, Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетини ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабини тугатди.

Унинг бутун меҳнат фаолияти журналистика ва партия иши билан боғлиқ эди. Ў ўз фаолиятини 1966 йилда «Жас Ленинши» республика ёшлар газетасининг бўлим мудирлигидан бошлади, «Совет Қорақалпоғистони» республика газетаси муҳаррирининг ўринбосари бўлиб ишлади, Қорақалпоғистон вилоят партия комитети вилоят снёсий маориф уйининг маслаҳатчи лектори, вилоят партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлимининг инструктори, кейинроқ эса шу бўлим мудири бўлиб ишлади.

У ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон Ахборот Агентлиги — ЎзТАГда ишлади. ЎзТАГ Қорақалпоғистон бўлими бош муҳаррирининг ўринбосари, кейин бош муҳаррири бўлди.

Генжебой Нурпеисович қандай лавозимда ишламасин, ўзига топширилган ишга ҳамқишлоқ катта масъулият ва ижодий ташаббускорлик билан муносабатда бўлди. Унинг меҳнати «Ҳурмат белгиси» ордени, Ленин юбилей медали, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашлари Раёсатларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Истеъдодли журналист, ажойиб ўртоқ Генжебой Нурпеисович Тлеубергеновнинг ёркин хотираси уни билганлар қалбида абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Ўзбекистонда ер қимирлади

1 февраль куни эрталаб Тошкент вақти билан 5 дан 4 минут ўтганида Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари аҳолисини ер ости силкинишлари уйғотиб юборди.

Тошкент сейсмология обсерваториясидан хабар қилишларича, зилзиланинг маркази жумҳурият пойтахтидан 590 километр нарида — Афғонистон ҳудудида бўлди.

Тошкентда зилзиланинг кучи 4—5 балл, Фарғона водийси шаҳарлари — Андижон, Наманган ва Фарғонада 5 баллга етган. Қаршида 6 балл куч билан ер силкинган.

Одамларнинг нобуд бўлганлиги ва иморатлар бузилганлиги ҳақида хабар йўқ.

(ЎзТАГ).

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

4—10 февраль

• 4, Душанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Силовсин ҳақида». Телефильм. 9.55 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий». Телевизион видеофильм. 4-қисм. 11.10 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Жамоат ташкилотларида». 19.00 «Санъат олами». 19.15 «Халқаро ҳаёт». 19.30 «Ахборот». 19.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Созимиз — овозимиз». 21.30 «Время». 22.15 «Ойнаи жаҳон хазинасидан». «Навоий». Телевизион видеофильм, 5-қисм. 23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Спринт». 20.15 «Суҳбатга чорлаймиз». 21.20 Телевизион киножурнал. 21.30 **Душанбе.**

● МТ-I

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 «Мулоқот». 9.45 Мультфильмлар. 10.15 «Резидентнинг хатоси». Бадиий фильм, 1-қисм. 12.30 «ТСН». 12.45 Е. Шаврина куйлайди. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 15-серия. 16.15 «Элма» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида. 17.15 Болалар соати. 18.15 «Чегара оша сулҳ». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «ТСН». 19.15 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ. 19.30 Шеърият лаҳзалари. 19.35 «Гэгмен». Бадиий фильм премьераси, 1-серия. 20.05 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Гофманнинг эртаклари». Спектакль премьераси». 01.00 «Қўшинлар». Бадиий фильм. 02.05 Телефильмлар.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Итальян тили. 11.05 «Бурда моден». 11.35, 12.40 Биология. 11.55 Билимдонлар учун машқ. 13.00 «Марк Твен қарши». Бадиий фильм. 14.10 Телефильм. 14.40 Гегам Григорьян куйлайди. 15.30 Халқаро программа. 17.30 Концерт. 18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Омил» (Пятигорск). 18.20 «Телевизион мусиқий абонимент». 18.35 Ҳужжатли фильм. 19.20 Мультфильм. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Ёзги ҳодисалар». Бадиий фильм, 1-серия. 23.25 Шеърият.

• 5, Сешанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Болаликни унутманг». Телефильм. 9.40 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 10.10 «Навоий». Телевизион видеофильм, 5-қисм. 11.20 Шеърият дафтаридан. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Қадрият». 19.30 «Ахборот». 19.50 «Ижодкорлар даврасида». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тасвирий санъатда Навоий сиймоси». 21.30 «Время». 22.15 «Спортлото». 22.20 «Навоий». Телевизион видеофильм, 6-қисм. 23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув». 20.00 «Лаҳза». Информацион кўрсатув. 20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми. 21.30 **Душанбе.**

● МТ-I

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Долзарб репортаж. 9.45 Мультфильм. 10.05 Болалар соати. 11.05 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм, 1-серия. 12.30 «ТСН». 12.45 Кичик концерт. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 16-серия. 16.45 «Китобга баҳшида умр». 17.05 Мультфильм. 17.15 Болалар мусиқий клуби. 18.00 «Чегара оша сулҳ». Ҳужжатли фильм премьераси, 2-фильм. 18.45 Мультфильм. 19.00 «ТСН». 19.15 «Мен сизни севардим...». 19.50 «Гэгмен». Бадиий фильм премьераси, 2-серия. 20.20 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 23.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.55 Фильм-концерт. 00.55 «Гусарнинг унаштирилиши». Бадиий фильм. 02.05 «Юрий Гуляев ҳақида монологлар». Телевизион фильм.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35, 12.40 Биология. 11.55 «Мангу ғоялар тарихидан». 13.00 «Осиё овози». 2-қисм. 14.30 «Ёзги ҳодисалар». Бадиий фильм, 1-серия. 15.40 Ритмик гимнастика. 16.10 Концерт. 17.30 Л. Рюмина куйлайди. 18.35 Мультфильм. 18.50 Сиктивкар шаҳар баянчилар троиси чалади. 19.05 Ритмик гимнастика. 19.35 Ҳужжатли фильм. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Ҳиндча бизнес». 21.30 «Время». 22.15 «Ёзги ҳодисалар». Бадиий фильм, 2-серия. 23.20 «Қалбни кўчириб бўладими?» Ҳужжатли фильм.

• 6, Чоршанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма. 10.00 «Навоий». Телевизион видеофильм, 6-қисм. 11.20 «Мусаввир». Манзарали фильм. 11.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт. 18.50 «Қурилиш жабҳаларида». 19.30 «Ахборот». 19.50 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатувнинг давоми. 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Теливизион видеофильм. 7-қисм. 23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 Телефильм. 19.55 Тижорат хабарлари. 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.30 **Душанбе.**

МТ-I

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ишчан чопар. 9.45 «Сўз». Адабий-бадиий кўрсатув. 10.45 Мультфильмлар. 11.20 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм, 2-серия. 12.30 «ТСН». 12.45 Болалар мусиқий клуби. 13.30 «Мен сизни севардим...», 14.00 Фильм-концерт. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 17-серия. 16.45 Чемпионлар билан биргаликда. 17.00 Болалар соати. 18.00 «Чегара оша сулҳ». Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 19.00 «ТСН». 19.15 «Шеърият лаҳзалари». 19.25 «Гэгмен». Бадиий фильм премьераси, 3-серия. 19.55 «Ай лав ю, Петрович». Бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.15 Телевизион спектакллар премьераси. 23.05 Н. Бабкина ҳамда «Русская песня» ансамблининг ижодий кечаси». 01.10 «Қарзга олинган сурат». Ҳужжатли фильм. 01.30 «Арбат оҳанглари». Бадиий фильм, 1-фильм.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05, 11.05 Немис тили. 11.35, 12.40 Адабиёт 12.05 «Здоровье». 13.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Омил». (Пятигорск). 13.55 «Ҳаммаси рўёбга чиқди...». Ҳужжатли фильм. 14.25 «Ёзги ҳодисалар». Бадиий фильм. 2-серия. 15.30 «Телевизион мусиқий абонемент». 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «1990 йил театр тажрибалари». (Челябинск). 18.35 Мультфильм. 18.55 «Инсон. Ер. Коинот». 19.25 Россиянинг парламент ҳабарномаси. 19.40 «Муқаддима». Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Агар сиз...». 21.30 «Время». 22.15 В. Крайнев чалади (фортепьяно). 22.55 «Дардингман, Анахит». Ҳужжатли фильм. 23.40 Бир актёр театри. Л. Филатовнинг ҳажвий эртаги.

• 7, Пайшанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Сокоделовлар ташаббуси». «Олий соврин». Телефильмлар. 9.30 «Навоий». Телевизион видеофильм. 7-қисм. 11.00 «Бу сирли олам». 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Истеъдод». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.55 Кўҳна созлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Навоий ва ўзбек халқ мусиқий мероси. 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Телевизион видеофильм, 8-қисм. 23.20 «Оила». 00.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда». 21.30 **Душанбе.**

● МТ-I

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра 9.45 Болалар соати. 10.45 Мультфильм. 10.55 «Ай лав ю, Петрович». Телевизион бадиий фильм. 12.30 «ТСН». 12.45 Футбол. Ўртоқлик учрашуви, Шотландия — СССР терма командалари. 14.25 П. Коган раҳбарлигидаги Москва давлат симфоник оркестри чалади. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 18 ва 19-сериялар. 17.40 С. Стадлер чалади (скрипка). 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «ТСН». 19.15 «Лада» Англияда». Ҳужжатли фильм. 19.25 «Гэгмен». Бадиий фильм. премьераси. 4-серия 19.55 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм. 21.30 «Время» 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 «ВИД» таништиради: «Россиянинг мусиқий алифбоси». 23.30 «Пи» белгиси билан. 01.00 «Фрянов сўқмоқлари». 01.35 «Арбат оҳанглари». Бадиий фильм. 2-фильм.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 9.55, 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 11.05 Испан тили. 11.35 Биология. 12.05 Библиофика. 12.35 «Саричелек биосфера қўриқхонаси». Ҳужжатли фильм. 12.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари «Мусаввир Гулливер бўлиши лозим». Магаданда Эрнст Неизвестний билан учрашув (Магадан). 14.25 Ритмик гимнастика. 14.55 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.30 «Этик кийган мушук». Немис Давлат драма театрининг фильм-спектакли. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Рязань давлат рус халқ хори ижро этади. 19.25 Шеърият лаҳзалари. 19.35 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Шотландия — СССР терма командалари. Танаффус пайтида (20.25) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.15 Мусиқий телефильм. 22.45 «Иллюзион». «Дўндиқча». Бадиий фильм. 00.10 Ҳужжатли фильм. 00.30 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати.

• 8, Жума

● ЎзТВ-I

9.00 «Агония». Телефильм. 9.25 «Навоий». Телевизион видеофильм. 8-қисм. 10.30 «Червянка яқинидаги қишлоқ». Телефильм. 10.55 «Баҳорги олимпиада ёки хор бошлиғи». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Илк қадамлар». 19.00 «Уруғчилик: тажриба ва муаммолар». 19.30 «Ахборот». 19.45 «Тандир, арча, олов...» Манзарали фильм. 20.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Маърифатнома». 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Телевизион видеофильм, 9-қисм. 23.25 «Экран таништиради...» 00.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II.

19.05 «Филон». Телефильм. 19.15 «Навоийхонлик». 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.15 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм. 21.30 **ДУШАНБЕ.**

● МТ-I.

7.00 «Тонг». (120+30). 9.30 Мультфильм. 9.50 СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 10.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.55 «Дарахтлар катта эди», Бадиий фильм. 12.30 «ТСН». 12.45 Концерт. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм. 20-серия. 16.45 «Онам, дадам ва мен». 17.15 Халқ куйлари. 17.30 «Образ». 18.15 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 18.45 «ВИД» программаси. 19.00 «ТСН». 19.15 «Сенимни, шошмай тур!» Мультфильм. 19.20 «Гэгмен». Бадиий фильм премьераси. 5-серия. 19.50 «Бу Пеньковда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» программаси. 01.15 «Қойил!» Киноконцерт. 02.05 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Бадиий фильм. 1-серия.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 9.55, 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.45 Тарих. 12.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 13.05 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 13.35. Концерт. 15.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Омил». (Пятигорск). 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.20 «Уйимиз ҳам ҳувуллаб қолди...» Ҳужжатли фильм. 17.45 Мультфильмлар. 18.15 «Мейерхольд». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.15 Концерт. 19.55 Спорт ҳамма учун. 20.10 Коллаж. 20.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «НЭП даврлар оша». Ҳужжатли фильм премьераси. 21.15 Бутунроссия танлови совринлари. С. Лукин чалади (домра). 21.30 «Время». 22.15 «Пароль —«Регина» меҳмонхонаси. Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.50 Фильм-концерт. 00.15 «Кекса сурнайчи». Бадиий фильм.

• 9, Шанба

● ЎзТВ-I

8.00 Ассалому алайкум. 9.00 «Навоий». Телевизион видеофильм. 9-қисм. 10.10 «Мақом». «Хамса». Телефильмлар. 11.00 «Араб тили». 11.30 «Халқ ижодиёти». 12.10 Қозоғистон жумҳурият киносанъати. 13.25 «Деҳқон ва замин». 18.00 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот». 19.55 «Ҳафтанома». 21.30 «Время». 22.15 «Навоий руҳини шод этиб...» В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев иштирокида ёзиб олинган концерт.

● ЎзТВ-II

9.00 ДУШАНБЕ.

● МТ-I

7.00 «Қўшиқ янграган кўча». Концерт. 7.25 Мультфильм. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 Тонгги дам олиш программаси. 9.00 «Здоровье». 9.30 «ТСН». 9.45 А. Чайковский. Фортепьяно ва торли оркестр учун концерт. 10.15 Мультфильм. 11.15 «Мстислав Келдуш». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.30 Режиссёр С. Самсонов фильмлари. «Ниначи». 14.05 «Фламенко» рақсга тушади. 14.35 «Ер манзаралари». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 5-серия. 15.30 «ТСН». 15.45 Мультфильм. 15.55 «Инсон қўшиқ ўйлаб топади». 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.20 «Гэгмен». Бадиий фильм премьераси, 6-серия. 19.50 «Фигурачи». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «КВН». 00.45 «ВИД» таништиради: «Матадор». 01.45 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Бадиий фильм. 2-серия. 02.50 «Чаплиннома». Ч. Чаплин мусиқасига яратилган фильм-балет.

● МТ-II

8.30 Эрталабки бадантарбия. 9.50 Вивальдо-оркестр чалади. 9.20 Мультфильм. 9.35 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 10.20 «Майдон». 11.20 «Оила». Телепрограмма. 12.20 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 15.20 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.25 «Плюс ўн бир». Россия телевидениесининг программаси. 19.40 «Ёз ёмғири». 20.10 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Кичик концерт. 21.00 «Исёнкор князь». Илмий-оммабоп фильм. 21.25 Коллаж. 21.30 «Время». 22.15 «Омадли жентельменлар». Бадиий фильм. 23.40 «Мангуликка айланган лаҳзалар». Мусиқий телефильм. 00.15 Джаз портрети. 01.05 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати.

• 10, Якшанба

● ЎзТВ-I

8.00 «Ҳафтанома». (такрор). 9.00 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм. 10.15 У-шу машқлари. Спорт кўрсатуви. 10.45 «Вилоят саҳналарида». 11.40 «Алифбо сабоқлари». 12.15 «Қувноқ стартлар». 13.05 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 13.35 Концерт. 18.00 Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.45 «Экран табассуми». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот». 19.55 «Навоий гулшани». Адабий-мусиқий кўрсатув. 20.30 Ахборот. 21.00 «Навоий гулшани». Адабий-мусиқий кўрсатувнинг давоми. 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).

● ЎзТВ-II

9.00 **ДУШАНБЕ.**

● МТ-I

8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тираж. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.30 Мусиқий киоска. 15.00 «Веди» программаси. 15.30 «ТСН». 15.45 «Марафон — 15». 17.00 «МТ-I нинг якшанба променад-концерти. 18.40 «Уолт Дисней таништиради...». 19.30 Мультфильм. 20.05 «Қорасоч маҳбубам». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Ёқмаса — ўчириб қўйинг». Ҳажвий-дам олиш кўрсатуви. 23.15 Л. Лешченко концерти. 00.15 Фильм-концерт. 01.35 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Бадиий фильм. 3-серия.

● МТ-II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Мультфильм. 8.55 Коллаж. 9.00 Конькида югуриш спорти. Жаҳон чемпионати. 10.05 А. Бариленко чалади (гитара). 10.35 Болалар учун фильм. «Эски эман дарахти. 10.55 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.

●

11.55 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали.

15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.20 Россиянинг парламент хабарномаси. 17.35 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Осиё овози». 3-кўрсатув. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Асраб, авлодларга етказ». 21.30 «Время». 22.15 Муаллифлик телевидениеси. 00.15 «Вена экспресси». Бадиий фильм. 01.05 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА

ТЕЗ КУНДА

УЙҒУН, ИЗЗАТ СУЛТОН АСАРИ.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

(II пардали драма)

АВВАЛ САҲНАЛАШТИРГАН РЕЖИССЕРЛАР — ЎзССЖ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофотининг совриндори МАННОН УЙҒУР, ЎзССЖ халқ артисти, ЎзССЖ Ҳамза ва Татаристон МСЖ А. Тўқай мукофотларининг совриндори ТОШХЎЖА ХЎЖАЕВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — ЎзССЖ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофотининг совриндори ТУРҒУН АЗИЗОВ.

Режиссёр — МУНАВВАР АБДУЛЛАЕВА.

РАССОМЛАР — ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби УБАЙДУЛЛА САЙДАЛИЕВ, АНАТОЛИЙ ЖИБОЕДОВ.

РОЛЛАРДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР: З. МУҲАММАДЖОНОВ, Е. АҲМЕДОВ, С. ТАБИБУЛЛАЕВ, Т. ТОЖИЕВ, Р. ИБРОҲИМОВА, Т. КАРИМОВ, Т. ХОНТЎРАЕВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ, Т. МЎМИНОВ, С. УМАРОВ, Р. АВАЗОВ, Х. ЮНУСОВ, Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ, С. ЗИЁМУҲАМЕДОВ, Ф. ЖАЛОЛОВ, Ф. МАСУДОВ, Р. ЖУРАЕВ, З. АШУРОВА, Ш. ИСМОИЛОВА, Қ. АБДУРАҲИМОВ ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24 ФЕВРАЛЬ, СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ФАХРИДДИН УМАРОВ

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг совриндори

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ

иштирокида

КОНЦЕРТ

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ва «САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/II да **Анда**, 3/II да **Гўзал Василиса** (12.00), **Фауст** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Куёв**, 3/II да **Жар**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 2/II да **Куёвлар конкурси**, 3/II да **Куёвлар конкурси**, 4/II да **Дардимни айтаман, нуласизми?**

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4720.

№ 24. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12